

AGRO

IQTISODIYOT



1

2021

Agroiqtisodiyot

илмий-амалий агроиқтисодий журнал

МУНДАРИЖА

3. **Н.ХУШМАТОВ, Ф.ПОЛВОНОВ.** Республикамизда мева-сабзавот маҳсулотлари етиштиришнинг аҳамияти
8. **Б.БЕРКИНОВ, Ф.ИСЛАМОВ.** Сугориладиган ерлардан самарали фойдаланишда пахта етиштириш динамикасини статистик таҳлил асосида башорат қилиш
12. **Ж.ИСАКОВ, А.ТУРСЫНОВ.** Қишлоқ хўжалигини модернизациялашнинг долзарб масалалари
16. **М.ХАМИДОВ, Ш.ХАМИДОВА, Ў.ИСЛОМОВ, У.ЖЎРАЕВ.** Вухоро вилоятининг ўтлоқи аллювиал, шўрланган тупроқлари шароитида фитомелиоратив тадбирлар самарадорлиги
21. **Х.БАХРЕТДИНОВА, Ж.КУЧАРОВ.** Қишлоқ хўжалиги тармоғини малакали кадрлар билан таъминлаш тизимини ташкилий асосларини такомиллаштириш
24. **Ш.АМАНОВ, О.ФАЙЗИЕВ.** Озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашда мамлакат аграр сиёсатининг устувор йўналишлари
30. **Г.АДИЛОВА, М.ОДИЛОВА.** Янги технологиялар-замонавий қишлоқ хўжалиги санатини юқори технологияли соҳага айланиш йўлида
33. **Н.МАРДИЕВ, Ж.РАХМАТОВА, Д.ИСЛОМОВА.** Фермер хўжаликларига ер участкаларини мақбул ўлчамлар миқдорида тақсимлашни моделлаштириш
36. **А.ТАБАЕВ.** Агрокимё хизмати қорхоналарида меҳнат унумдорлигини ошириш йўллари
40. **В.ШАФКАРОВ.** Узумчиликни барқарор ривожлантиришда иқтисодий рағбатлантиришни ўрни
43. **О.ШЕРМАТОВ.** Шоли етиштириш иқтисодий самарадорлигини ташкилий-иқтисодий омиллари
46. **С.АБДУЛЛАЕВА.** "SMART" технологиялар - мамлакат озиқ-овқат хавфсизлигини мустақамлашнинг асоси сифатида
49. **Г.САМИЕВА, И.АЗИМОВ.** Республика озиқ-овқат бозорида деҳқон хўжаликларининг маъжуд муаммолари ва уларни бартараф этиш йўллари
52. **Б.ЖУВАНОВА.** Қорхоналарнинг инновацион фаолиятини молиялаштириш механизмларини шакллантириш усуллари
56. **Д.ТАЛИПОВА, М.РАҲМАТАЛИЕВА, Н.АКРАМОВА.** Паррандачилик фермер хўжаликларида маҳсулот ҳисоби ва уни сотиш ҳисобини такомиллаштириш
58. **А.АБДУЛЛОВ, З.ҚАЙИМОВА.** Олий таълим тизимини стратегик ривожлантиришнинг устувор йўналишлари
61. **А.ВАХОБОВ, И.РАФИКОВ, Н.СОЛИЕВА.** Чорвачилик тармоғида сугурталаш механизмини такомиллаштиришнинг асосий йўналишлари
64. **К.ТУРАБОВЕВА, У.ХОЛИЁРОВ, А.УТЕМУРАТОВА.** Перспективы развития цифровой экономики в Узбекистане
66. **Р.ТАШМАТОВ.** Минтақаларда аграр соҳани инновацион ривожлантириш ва рақамлаштириш: таҳлил ва ечимлар
69. **З.КУШАРОВ.** Қорамолчиликда гўшт ишлаб чиқаришга таъсир этувчи омиллар
72. **У.ХОЛИЁРОВ, К.ТУРАБОВЕВА, А.УТЕМУРАТОВА.** Глобальное электронное образование
74. **Г.ТУРДЫЕВА.** Кредит ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини баҳолаш
77. **А.ИНОВАТОВ.** Грек ёнгоғининг етиштиришда истиқболли навлардан фойдаланиш самарадорлиги
81. **О.ДЖУРАБАЕВ.** Перспективы использования инновационных технологий и формирования рынка пчеловодческой продукции
84. **И.ЮЛДАШЕВА, Г.ТАШХОДЖАЕВА.** Ўзбекистонда соя ўсимлигини етиштиришнинг халқ хўжалигидаги ўрни
87. **Қ.ЭГАМБЕРДИЕВ.** Худудий таҳлил ва қишлоқ хўжалигини ривожлантиришни башорат қилиш усуллари
91. **А.ШАМШЕТОВ.** Молиявий натижалар таҳлилин ташкил этишнинг хусусиятлари ва рентабеллигини ошириш имкониятлари
94. **Г.ТАЖЕНОВА.** Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари экспортини молиялаштириш амалиётини такомиллаштириш механизмлари
97. **Ш.ДЕХКАНОВА.** Мамлакат иқтисодиётига агроклассерларни жорий этишнинг хорижий тажрибалари
100. **К.КАЛЕНОВ.** Қишлоқ хўжалиги қорхоналари молиявий барқарорлигини таъминлашда сугурта хизматларининг роли
103. **Ш.АЙНАКУЛОВ, А.НИГМАТОВ, Ш.ЗИЯЕВА, К.КУБЯШЕВ.** Программное решение перегрузки трехфазного асинхронного двигателя
106. **А.АБДУЛЛОВ, Х.КАСЫМОВА.** Формирование кооперативного фонда сельского хозяйства и механизмы его распределения
109. **М.МИРЗАЕВ.** Трансчегаравий сув ресурсларидан фойдаланиш самарадорлиги
112. **Ф.ШАФКАРОВ.** Агросаноат мажмуаси инфрақурилишида давлат-хусусий шериклики иқтисодий ривожлантириш хусусиятлари
115. **А.ТУРСЫНОВ.** Қишлоқ хўжалиги соҳасини ривожлантиришнинг молиявий қўллаб қувватлашда хорижий давлатлар тажрибаси
121. **И.АЛЛАЁРОВ, Н.ОДИЛОВА, М.ШАРИФЖОНОВА.** Қишлоқ хўжалигида меҳнат ресурсларидан самарали фойдаланиш ва бандлик муаммоларини бартараф этиш йўллари
125. **Ш.АЛИМОВА, И.НИЁЗОВА, ДИЛАФРУЗ ХАЛИМОВА.** Цифровая экономика развития инфраструктур государства
129. **О.КУЛЛИЕВ.** Features of a value assessment of innovative projects
131. **М.РАҲМАТАЛИЕВ, Д.ТАЛИПОВА, Н.АКРАМОВА.** Паррандачилик тармоғини ривожлантиришнинг давлат томонидан қўллаб-қувватлаш йўллари
133. **А.РАСУЛОВ, К.ХУРРАМОВ.** Озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашнинг асосий йўналишлари
135. **А.МЕНГНОРОВ.** Қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг истиқболли йўналишларини аниқлаш
137. **Ҳ.ТУРОВОВА, М.АМОНОВ.** Ўзбекистонда агробизнесни ривожлантириш имкониятлари
140. **М.АЧИЛОВ, З.КУШАРОВ.** Мева-сабзавот экинлари ҳосилдорлигини қўп омилли регрессион эконометрик модел асосида прогноз қилиш
145. **Ш.ХОДЖИМУХАМЕДОВА, Г.ТОШХОДЖАЕВА, С.БЕРДИЕВА.** Соя навларини сугориладиган ерларда ва тақрорий экин сифатида етиштириш технологияси
147. **К.ШОДМОНҚУЛОВ.** Кичик саноат зоналари фаолиятини ташкил этиш ва бошқаришнинг аҳамияти
149. **И.ЗИЯДУЛЛАЕВ.** Пиллачилик тармоғини ривожлантиришнинг айрим жиҳатлари
152. **А.УСМАНОВА.** Туристический потенциал бухарской области
154. **Ф.ҚУРБОНОВ.** «Пул оқимлари тўғрисидаги ҳисобот»ни халқаро стандартлар асосида тузиш имкониятлари

ОЗИҚ-ОВҚАТ ХАВФСИЗЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШНИНГ АСОСИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИ

Акбар РАСУЛОВ,

Чирчиқ давлат педагогика институти ўқитувчиси

Кедиёр ХУРРАМОВ,

Чирчиқ давлат педагогика институти ўқитувчиси

Аннотация: Мақолада ўсиб бораётган аҳолини сифатли озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш масалалари келтирилган ва озиқ-овқат хавфсизлиги омиллари, даражаси ҳамда озиқ-овқат хавфсизлиги даражасини баҳоловчи кўрсаткичлар бўйича фикр-мулоҳазалар баён этилган.

Аннотация: В статье рассмотрены вопросы обеспечения растущего населения качественной продовольственной продукцией, приводятся рассуждения о факторах и уровне продовольственной безопасности, а также показатели оценки уровня продовольственной безопасности.

Abstract: The article discusses the issues of providing the growing population with high-quality food products, discusses the factors and the level of food security, as well as indicators for assessing the level of food security.

Хозирги пайтда дунё мамлакатлари олдидан турган муҳим вазифалардан бири аҳолини сифатли, тўйимли озиқ-овқат маҳсулотлари билан барқарор таъминлашдан иборатдир. Маълумки, озиқ-овқат маҳсулотларининг асосий қисмини қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ташкил қилишини инobatта олиб, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш самардорлигини ошириш, ер-сув ресурсларидан самарали фойдаланиш, аҳолини озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш йўналишдаги халқаро ташкилотларнинг фаолиятини оптималлаштириш, мавжуд озиқ-овқат ресурсларидан фойдаланишнинг энг самарали усуллари ва механизмларини жорий этиш долзарб вазифалардан ҳисобланади.

Бу борада ҳам мамлакатимизда бир қатор ислохотлар амалга оширилмоқда. Жумладан, Мамлакатимиз Президенти Ш.М.Мирзиёев томонидан 2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишлари бўйича Ҳаракатлар Стратегиясида “таркибий ўзгартиришларни чуқурлаштириш ва қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришни муттасил ривожлантириш, мамлакат озиқ-овқат хавфсизлигини янада мустаҳкамлаш, экологик тоза маҳсулотни ишлаб чиқаришни кенгайтириш, аграр секторининг экспорт салоҳиятини сезиларли даражада ошириш” [1] лозимлиги борасида алоҳида тўхталиб ўтган.

Мамлакатда озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашда аҳолини асосий турдаги озиқ-овқат маҳсулотлари билан етарли даражада ички имкониятлардан самарали фойдаланиш орқали таъминлаш лозим. Бунинг натижасида импорт миқдорини сезиларли даражада камайитириш имконияти яратилади.

Озиқ-овқат хавфсизлиги бу иқтисодиётнинг шундай ҳолати бўлиб, бунда жаҳон бозорлари тебранишларидан қатъий назар бир томондан, илмий асосланган кўрсаткичларга мос миқдорларда, иккинчи томондан тиббий меъёрлар даражасида истеъмолни қондириш учун шарт-шароит яратилган ҳолда аҳолини озиқ-овқат маҳсулотлари билан барқарор таъминлаш кафолатланади [2].

Кейинги пайтларда аҳолининг шиддат билан кўпайиб бориши натижасида озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган эҳтиёж ҳам бевосита ошиб боради. Биринчидан, аҳоли сонининг ўсиб бориши билан озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган эҳтиёж миқдор жиҳатдан ортиб боради. Масалан, 1804 йилда дунё аҳолиси 1 миллиард кишини ташкил этган бўлса, ҳозирги кунда эса 7 миллиарддан ортиқни ташкил этмоқда (1-жадвал).

Жадвалда келтирилган маълумотлар шунини кўрсатмоқдаки, сўнги 200 йилда аҳоли сони деярли 7 баробарга ўсган. Озиқ-овқат маҳсулотларининг асосий қисми қишлоқ хўжалигида етиштирилиши ва қишлоқ хўжалиги ер майдонларининг ҳамжи эса ўзгармаслиги янада чигалликни келтириб чиқаради. Қолаверса, кейинги йилларда глобал иқлим ўзгариши оқибатида чўллашиш даражасининг ошиши, экин ерларининг шўрлашиб бориши натижасида тупроқ унумдорлигининг пасайиши кузатилмоқда.

Шу билан биргаликда, озиқ-овқат хавфсизлигига эришишнинг муҳим шартлари қуйидагилардан иборат:

- ҳар бир инсон учун озиқ-овқат маҳсулотларининг етарли бўлиши (етарли миқдорда унинг тақлифи);
- аҳоли барча ижтимоий тоифалари, шу

Калит сўзлар: озиқ-овқат хавфсизлигини, озиқ-овқат маҳсулотлари, қишлоқ хўжалиги, экологик тоза маҳсулот, экспорт салоҳияти, иқтисодиёт, эҳтиёж, иқлим ўзгариши.

Дунёда ҳар миллиард аҳоли сонининг кўпайиб бориш кўрсаткичлари [3]

Аҳоли сони	Йил	Ҳар миллиард аҳоли сони кўпайишининг олдинги давр билан фарқи
1 миллиард	1804	--
2 миллиард	1927	123
3 миллиард	1960	33
4 миллиард	1974	14
5 миллиард	1987	13
6 миллиард	1999	12
7 миллиард	2011	12
8 миллиард	2025	14
9 миллиард	2043	18
10 миллиард	2050	7

жумладан кам таъминланган аҳоли томонидан озиқ-овқат маҳсулотларини сотиб олишнинг иқтисодий жиҳатдан имконияти (истеъмолчилик талабининг тўлов қобилияти);

- меъёрда овқатланиш учун юқори сифатли маҳсулотларни истеъмол қилишнинг етарли миқдорда бўлиши [3].

Аҳолининг озиқ-овқат хавфсизлиги ҳолатини баҳолаш қуйидаги кўрсаткичлар ёрдамида амалга оширилади:

- мамлакатнинг барча ҳудудида тўловга қобил талабга мос келадиган миқдорда ва асортиментда озиқ-овқат маҳсулотларининг доимий равишда мавжудлиги;

- барча истеъмолчилар учун унинг ижтимоий мақоми ва яшаш жойидан қатъий назар озиқ-овқат маҳсулотларини минимал даражада истеъмол қилиш имкониятининг мавжудлиги;

- озиқ-овқат маҳсулотларининг хавфсизлиги - инсон учун ушбу маҳсулотни яроқсиз ҳолга келтирувчи ёки хавфли бўлган моддаларнинг мавжуд эмаслиги;

- озиқ-овқат маҳсулотларининг сифати, яъни ҳар куни инсон томонидан унга зарур бўлган миқдордаги калория ва озуқавий компонентларнинг унинг ёши ва фаолият соҳасига боғлиқ равишда истеъмол қилиниши. Бунда овқатланиш сифати овқатда мутасадди органлар томонидан тавсия қилинган рацонал меъёрларга мувофиқ келадиган оқсил, ёғ,

углеводлар, витаминлар, макро ва микроэлементларни уйғунлаштириш орқали таъминланади [3].

Озиқ-овқат хавфсизлигини баҳолашда халқаро ташкилотларнинг ҳужжатларида таъкид этилган асосий баҳоловчи кўрсаткичларидан ташқари мамлакатнинг озиқ-овқат хавфсизлик даражасини баҳолашда қуйидагиларни ҳам инобатга олиш лозим:

- қишлоқ хўжалигининг ишлаб чиқариш салоҳияти, у мавжуд ишлаб чиқариш қувватлари, ерлар ва меҳнат ресурслари бўйича баҳоланади;

- қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг тараққиёт ва барқарорлик даражаси, бунда мавжуд техника ва технологияларнинг амалдаги сифати, АСМ тармоқлари ва ташкилотларининг молиявий-иқтисодий ҳолатини баҳолаш натижалари инобатга олинади;

- мамлакатимиздаги ишлаб чиқариш ресурслари билан таъминланганлик даражаси, бунга бюджетдан молиялаштириш ва бошқа манбалар ҳам киритилади;

- мамлакатимиздаги ташкилотлар томонидан ишлаб чиқарилаётган аграр маҳсулотлар ва озиқ-овқат маҳсулотларининг сифати;

- импортнинг қўлами, жумладан мамлакатдаги ишлаб чиқариш билан аҳолининг озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган эҳтиёжлари билан таққосланган ҳолда;

- озиқ-овқат маҳсулотларининг очиқлик даражаси билан импорт интервенциясига қарши таъсир кўрсатиш механизми;

- атроф-муҳитнинг ифлосланиши ва таъқиқланган препаратлар, технологиялар, жумладан ген-модификацияланган организм (ГМО), ўсишни рағбатлантириш воситалари, антибиотиклар ва бошқалардан фойдаланиш нуқтаи-назаридан тармоқнинг экологияланганлик даражаси;

Хулоса ўрнида мамлакат озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш мавжуд ресурслардан самарали фойдаланиш асосида маҳсулотларни кўпайтириш имконияти яратилади. Натижада аҳолини талаб даражасида озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш имконияти яратилиб, халқаро ташкилотлар томонидан таъкид этилган озиқ-овқат хавфсизлиги даражасини баҳоловчи кўрсаткичлар талаблари асосида таъминлаш имконияти яратилади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида" ПФ-4947-сон Фармони.
2. www.icarda.org - Қўрғокчилик ҳудудларда қишлоқ хўжалиги тадқиотлари бўйича халқаро маркази (ICARDA)нинг расмий сайти.
3. Д.Н.Саидова, И.Б.Рустамова, Ш.А. Турсунов. "Аграр сиёсат ва озиқ-овқат хавфсизлиги". Ўқув қўлланма. Т.: "ЎЗР Фанлар Академияси Асосий кутубхонаси" босмахонаси нашриёти, 2016. - 257 б.